

"Тахтақорача" (Китоб) довонининг вақтинча ёпилгани тўғрисида



М-39 "Тошкент-Шаҳрисабз-Термиз" автомобиль йўлининг Самарқанд ва Қашқадарё вилоятларини боғловчи "Тахтақорача" (Китоб) довонидан ўтган қисмларида 2020 йилнинг 4 январь куни кучли қор ёғиши ва кўриш имкониятларининг кескин пасайганлиги сабабли автотранспорт воситаларининг ҳаракати вақтинча тўхтатилди.

Шу боисдан, автомобиль йўлининг мазкур довондан ўтган қисмларида ҳаракат хавфсизлиги таъминлангунга қадар автотранспорт воситаларининг А-378 "Самарқанд-Ғузор" автомобиль йўли орқали ҳаракатланиши тавсия қилинади.

Автомобиль йўллари қўмитаси

матбуот хизмати